

Нажот топадиган бўлса, Саъд топар эди



12:57 / 14 ноябрь 1687

رَبَّكُمْ نَمَّ أَتَوْصَعَ مَسَّلَسَ وَهُدِيَ لَعْهُ لَلَّا يَضَرُّ سَنَنَ
أَلَّا أَلَّا وَلَّا أَقَوْ وَكَلَذْبَ رُسَفَ إِلَهَجَلَّا يَفَتَّامَ: اُولَاقَفَ هَذَهَتَّامَ يَتَمَّهَلَّا
مُسْمُوْيَيَّاسَنَلَّا هَأَوَرَ رَبَّقَلَّا بَادَعَهُمْكَعَمْسُيْنَهَلَّا ثَوَعَدَلَّا اُونَفَادَتَّ.
مُ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қабрдан овоз эшитдилар ва:

«Қачон вафот этган?» дедилар.

«Жоҳилиятда вафот этган», дейишди.

У зот бундан енгил тортдилар ва:

«Агар дағн қилмай қўйишингиздан қўрқувим бўлмаганида, сизга қабр азобини эшиттиришини сўраб, Аллоҳга дуо қилас эдим», дедилар».

Насайи ва Муслим ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрдаги овозларни эшитиш хусусиятлари ҳам борлиги.

2. Жохилиятда ширк билан ўлганлар ҳам қабрларида азобланишлари.

3. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳга дуо қилиб, умматларига қабр азобини эшииттириш имкониятига эга бўлсалар ҳам бу ишни қилмаганликлари. Чунки қабрдаги азобни эшигадиган бўлса, одамлар қўрққанларидан ҳеч кимни дафн қилгани бормай қўяр эканлар.

Демак, қабр овозини эшиитмасдан ҳам унга иймон келтириб, ундан паноҳ сўраб, ундан қутултирадиган ишларни қилиб юришимиз керак экан.

يَذْلَا أَذْهَبْ لِأَقْمَسَ وَهُوَ يَلْعُبْ هَلْلَالَ نَعْنَاعْ بَنْلَادَ يَضْرَبْ رَمْعَنْ بَنْلَادَ
كَوْكَيْلَمْلَانْ مَأْفَلْأَنْ نُوْغَبَسْ دَدَهَشَ وَعَامَّسَلَابَأْبَأْلَتَجْتُفَوْ شَرْعَلَأَلَكَرَحَتَ
لَئِاضَفَلَالِ فَلَالِ يَفِنَّا خَيْشَلَأَوْ آنْهَيَيَأَسَنَلَأَهَأَوَرْ بَنْعَجَرْفَمُثَّمَصَمُضَدَّقَلَ

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мана бу унинг учун Арш ҳаракатга келган, унга осмоннинг эшиклари очилган, унга етмиш минг фаришта ҳозир бўлган одамдир. Батаҳқиқ, у ҳам бир марта сиқилди. Сўнgra у қўйиб юборилди», дедилар».

Бу жойда Насаий ва икки Шайх «Фазилатлар» бобида ривоят қилганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ушбу ҳадисдаги гапларни ансорийларнинг Авс қабиласи бошлиғи, улуғ саҳобий Саъд ибн Муоз розияллоху анҳу ҳақида айтганлар.

Саъд ибн Муоз розияллоху анҳу вафот этиб, руҳлари кўтарилиганида у кишининг ҳурматларидан Арши Аъло ҳаракатга келган, осмон эшиклари очилган экан. У кишининг жанозаларига етмиш минг фаришта ҳозир бўлган экан.

Лекин шунчалик улуғ мақомга эга бўлишларига қарамай, қабрга қўйилганларида у киши ҳам қабр томонидан бир марта сиқилган, кейин қўйиб юборилган эканлар.

Имом Аҳмад келтирган ривоятда:

«Албатта, қабрнинг бир босиши бор. Агар ўша босишдан бирор киши нажот топадиган бўлса, Саъд топар эди», дейилган.

Ушбу қабрнинг сиқишидан фақат Пайғамбар алайҳиссаломлар ва балоғатга етмаган болаларгина четда қолар эканлар. Чунки бу икки тоифада умуман ҳеч қандай гуноҳ бўлмайди. Қолганлар эса бунга албатта дучор бўлар экан. Гуноҳи озларни қабр сиқиши озроқ, кўпларники эса кўпроқ бўлар экан.

Шунинг учун иложи борича гуноҳдан узоқда бўлишга ҳаракат қилиш лозим. Шариатимизда қайси иш гуноҳ дейилса, албатта ўшанинг яқинига бормаслик керак.

Эй Биру Бор, ҳар бир нарсага қодир Аллоҳ! Сенинг Ўзингдан бизни қабр азобидан сақлашингни сўраймиз!

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди